

ISSN: 2181-4066

DOI Journal 10.56017/2181-4066

JOPAPS




JOURNAL OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Volume I, Issue 8

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ



IMFAKTOR

AUGUST | 2023

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 8-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-8

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-8

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 8 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-8>

Бош муҳаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ.

– педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдуҷаббарова М.

– педагогика фанлари номзоди, доцент

Абдурахимов Қ.

– психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Джураев Д.

– педагогика фанлари доктори

Душанов Р.

– психология фанлари номзоди, доценти

Юсупова Хабиба Ирискуловна

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

Лазиз Ярашович Олимов

– психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Элов Зиёдулло Сатторович

– психология ф.б.ф.д. (PhD)

Ганжиев Феруз Фурқатович

– психология ф.б.ф.д. (PhD)

Исмаилова Раъно Нураевна

– психология фанлари номзоди (PhD), доцент

Мусаева Мухаббат Эшбаевна

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Умаров Баҳром Норбоевич

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 8.2 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ХАМИДОВА Нилуфар Джумаваевна

Ислом Каримов номидаги

давлат техника университети, Тошкент

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8241422>

ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА АМАЛДАГИ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Нофилологик олий таълим муассасаларининг асосий мақсади ва вазифалари баркамол авлодни талабга жавоб берадиган, малакали мутахассис қилиб етиштиришдан иборат. Ушбу талабдан келиб чиқиб, замонавий тенденциялар асосида жаҳон ареналарида ватан равнақига ҳисса қўша оладиган ҳамда унинг маданияти ҳақида умумий маълумот бера оладиган коммуникант шахсини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: таълим, модернизация, коммуникант, когнитант, тенденция, малака, маданият, илғор, ташаббус, замонавий тенденциялар.

ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ ТЕКУЩИЙ АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ

Основной целью и задачами нефилологических высших учебных заведений является воспитание гармоничного поколения в востребованном, квалифицированном специалисте. Исходя из этого требования, на основе современных тенденций важно развивать на мировых аренах личность коммуниканта, способного внести свой вклад в развитие родины, а также дать общее представление о ее культуре.

Ключевые слова: образование, модернизация, коммуникант, познавательный, тенденция, компетентность, культура, прогрессивный, инициатива, современные тенденции.

TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO STUDENTS OF TECHNICAL DIRECTION CURRENT ESTIMATES ON

ANNOTATION

The main purpose and objectives of non-philological higher education institutions are to cultivate a competent generation as an in-demand, qualified specialist. Based on this requirement, it is important to develop a communicative personality in world arenas based on modern trends that can contribute to the prosperity of the motherland and give an overview of its culture.

Keywords: education, modernization, communicant, cognizant, trend, qualification, culture, advanced, initiative, modern trends.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” фармонида, халқаро тажрибаларга таяниб, олий таълим тизимида илғор ўқитиш стандартларни жорий этиш, шунингдек дарсликларда назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтиш масаласи устувор йўналиш сифатида қайд қилинган.

Олий таълим тизимида чет тилларни, хусусан инглиз тилини ўқитиш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича мамлакат раҳбари раислигида чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда президент томонидан хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустақкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келганлиги алоҳида эътироф этилди [1].

Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тил бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи талабалари инглиз тилини CEFR халқаро ҳужжати талабларига мувофиқ, “B2” даражада эгаллаш талаб қилинади. Мазкур талабни бажариш бўйича ҳукумат томонидан нофилологик йўналишдаги талабаларга чет тиллар ўргатиш/ўқитиш бўйича етарлича ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларининг асосий мақсади ва вазифалари баркамол авлодни муайян касблар эгаси қилиб етиштиришдан иборат. Ушбу талабдан келиб чиқиб, замонавий тенденциялар асосида жаҳон ареналарида ватан равнақига ҳисса қўша оладиган ҳамда унинг маданияти ҳақида умумий маълумот бера оладиган коммуникант шахсини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида (ОТМ) ижтимоий-гуманитар фанлари ўқув режаси таркибидаги инглиз тили ўқув предмети – талабаларни дунё халқлари маданияти, тарихидан воқиф қилиш, келажакда турли маданият вакиллари ўртасидаги ўзаро мулоқот ва самарали алоқаларни тушуниш ҳамда маданиятлараро диалогда қатнашиш қобилиятини ривожлантиришни назарда тутади.

Техника йўналишидаги талабаларга инглиз тили ўқитиш хусусида назарий таҳлиллар юритамиз. Чунончи, чет тил фанининг нуфузи қисқача тушунтиришни талаб қилади. Инглиз тилини ўргатиш мақсадлар, принциплар, таълим мазмуни, методлари, воситалари ҳамда соҳа бўйича амалга оширилган ҳукумат ҳужжатлари билан белгиланади. Демак, нолисоний йўналишда инглиз тилини ўқитишнинг асосий мақсадини аниқлашни лозим топдик. Ушбу талабдан келиб чиқиб, инглиз тилини билиш ва мазкур тилда эркин мулоқот қилиш қандай самарали амалга оширилиши ҳақидаги саволларга жавоб топиш соҳа мутахассисларининг вазифасидир [2].

Ижтимоий талабдан келиб чиқиб инглиз тилини халқаро миқёсда ўқитишнинг қуйидаги турлари мавжуд: *EGP (English for General Purposes)* – умумий мақсадларда ўқитиладиган инглиз тили, *EAP (English for Academic Purposes)* – илмий мақсадларда ўқитиладиган инглиз тили, *ESP (English for Specific Purposes)* – махсус мақсадларда ўқитиладиган инглиз тили (изох: тиббиёт йўналишида тиббиёт соҳасига йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш, техника йўналишида соҳаларга ажратилган инглиз тилини ўқитиш ва ҳоказо.) ва бошқалар тушунилади.

Аксарият чет тил мутахассислари орасида қуйидаги инглиз тилини ўргатиш мақсадлари умумий қўлланилади. *EST (English for Science and Technology)* – илмий тадқиқотлар ва технологиялар учун инглиз тили, *EOP (English for Occupational Purposes)* касбий мақсадларда инглиз тили ёки *VOLL (Vocationally Oriented Language Learning)* касбий йўналтирилган тил ўргатиш ва бошқалар. Айрим Европа мамлакатларида *ESP* атамаси *VOLL* кўринишида қўлланилади. Халқаро миқёсда инглиз тилидан “*EFL (English As a Foreign Language)*” – хорижий тил сифатида қўлланиладиган тил (чет тил), инглиз тили давлат тили *ESL (English As a Second Language)* – тарзида қабул қилинган атамаларда қўлланилади [3].

“ESP” – инглиз тилини махсус (касбий) мақсадларда ўқитиш жараёнида дастлаб тил ўрганувчиларнинг эҳтиёжларини таҳлил қилиш ғояси илгари сурилган. Ушбу атама XX асрнинг 80-йилларида Том Хатчинсон ҳамда Алан Уотерс томонидан илк мартаба қўлланилган. Олимларнинг илмий концепсиясида мазкур методик назарияда талабаларнинг мотивациясини инобатга олиш зарур эканлиги алоҳида таъкидланади.

Инглиз тилини махсус (касбий) мақсадларда ўқитишда асосий эътибор – талабаларнинг психологик ёшига мос ўқув материалларини танлаш, амалий инглиз тилини коммуникант сифатида ўрганиш ҳамда келажакдаги касбий малакаларни пухта эгаллашдан иборат. Т. Хатчинсоннинг издоши Дудли-Эванс ва бошқа олимларнинг фикрларига биноан, инглиз тилини ўқитишда ўқув машғулоти мазмунидан келиб чиқиб, иккита методик топшириқларни бажаришга эътибор қаратиш лозим: жорий вазиятни таҳлил қилиш (Present Situation Analysis) ва чет тил ўрганиш мазмунини таҳлил қилиш (Context Analysis). Лингводидакт ва лингвист олимлар томонидан амалиётга тадбиқ қилинган инглиз тилини махсус (касбий) мақсадларда ўқитиш назариясида учта асосий принциплар ажратиб кўрсатилади: таълим мазмунининг касбий йўналганлиги; таълим жараёнидаги самарадорлик; мотивация ёки талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлари.

Техник ОТМ.ларда инглиз тилини ўқитиш ҳукумат ҳужжатларида қайд қилинган. Бироқ, ушбу жараёни самарали ташкил қилиш бўйича етарлича ўқув адабиётлар мавжуд эмас. Шунингдек, йўналишлар бўйича тор мутахассисликлар учун ҳам дарсликлар муаммоси мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, Тошкент давлат техника университетиде фақат механика факультетининг ўзида ўндан ортиқ ихтисосликлар мавжуд бўлиб, уларда етарлича ўқув адабиётлар мавжуд эмас. Шу жумладан, “Материалларга бадиий ишлов бериш технологияси” ёки “Машинасозлик” каби тор мутахассисликлар ҳам шундай муаммоларга дуч келади.

“ESP” орқали XX асрнинг 40-50-йилларида АҚШда ҳарбий соҳада курсантларни махсус тайёрлаш учун янги интенсив ўқитиш усуллари эҳтиёжлар намоён бўла бошлади. Ўтган асрнинг 70-йилларида немис тилида сўзлашувчи Европа мамлакатларида “ESP” атамаси муомалага киритилди. Австрия, Бельгия, Германия Федератив Республикаси ҳамда Швейцарияда махсус мақсадлар учун тил “*Language for Specific Purposes – LSP*” атамаси таълим босқичларида қўлланила бошланди. Ушбу тушунча тилшуносликда кенг тадбиқ қилинди. Унда грамматик жиҳатдан оддий ва муайян синтактик структураларнинг тез-тез такрорланиши алоҳида ажралиб турди.

Бугунги кунда инглиз тилидан фойдаланган ҳолда ихтисосликларни ўқитишга йўналтирилган кўплаб махсус курслар очилмоқда. Муайян мутахассисликни маълум касб-ҳунарга йўналтирилган тарзда ўқитиш ҳамда касбий мулоқот мақсадида инглиз тилини ўзлаштиришнинг бир неча даражалари мавжуд. Халқаро инглиз тилини ўқитишда касбий йўналтирилганликка катта аҳамият берилади. Узоқ вақт давомида инглиз тилини ўқитишда касбий йўналтирилганлик атамаси “*Vocationally oriented language learning – VOLL*” амалиётда қўлланилган. Ушбу турдаги атаманинг келиб чиқиши аниқ мақсадлар учун инглиз тили (*English for specific purposes – ESP*) терминига боғланади. Инглиз тилида касбий йўналганлик (VOLL) Т.Н. Астафурова, А.Я. Багрова, А.В.Барыбин, Е.И. Калмыкова, Р.П. Мильруд, М.В.Озерова, В.В. Сафонов каби олимларнинг илмий ишларида чуқур тадбиқ қилинган.

Визуал рецептив фаолиятни ўргатишда ўқиш нутқ фаолияти етакчи ҳисобланади. Касбий йўналтирилган матнларни ўқишни ўргатишда мулоқот муаммолари А.Я.Багрова, А.Я.Гайсина, Г.В.Иевлева, Т.Ю.Полякова каби олимларнинг илмий ишларида ўрганилган [4].

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай хорижий тил хусусан, инглиз тили, француз тили ва рус тили ва бошқа тиллар хорижий тил (чет тил) сифатида ўқитилади, ўргатилади ҳамда ўрганилади. Буни бироз кенгрок тушунтирсак. Мамлакатимизда ўзбек тили ягона давлат тили. Ўргатиладиган барча тиллар бундан мустасно. Бироқ, умумий ўрта таълим етгита тилда олиб борилади: ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик ва туркман. Таълимнинг бошқа босқичларида иккита тил ўзбек ва рус тилларидан фойдаланилади.

Олий таълим муассасалари талабалари хусусан, техника йўналишида тахсил олувчилар инглиз тилини сунъий мухитда яъни, чет тил соҳибисиз (*without native speaker*) ўрганади. Қандай ўрганади яъни, ўқитувчи ёрдамида ёки муайян дарслик, материаллар ва ўқув-услубий мажмуалар ҳамда глобал интернет тармоқлари асосида ўрганади.

Давлат таълим стандартлари талаблари бўйича В2 даража битирувчилари қуйидаги мавзулар бўйича билим ва малакаларни эгаллашади: Интернет ва ахборот технологияларига оид мавзулар, Ижтимоий-маданий мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар (масалан, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва ҳоказолар) маданиятларини қиёслаш ва таққослаш), Мутахассислик соҳасига оид мавзулар (мутахассислик соҳаси тарихи, соҳа йўналишлари), Ижтимоий мавзулар (атроф-муҳит билан ижтимоий алоқалар). Мазкур мавзулар интегратив ёндашув асосида 4 та нутқ фаолиятини инобатга олиб ўргатилади [5].

Бугунги тезкор ривожланиш ва таракқиёт даврида ҳаётимизни ахборот коммуникацион технологияларсиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда, бугунги талаба ёшларга таълим бериш жараёнида ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Булар чет тил, хусусан инглиз тилини техник йўналишидаги талабаларга самарали ўқитиш имкониятини таъминлайди. Натижада, талабаларнинг фикрлаш доираси кенгаяди, ўқув материални унумли ўзлаштириш имконияти ортиб боради. Россия, Хитой, Корея, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар тажрибасида техника йўналишидаги талабаларга ахборот технологиялари ёрдамида ўқув жараёнига лингвотехнологияларни киритиш, замонавий ўқув ресурслар, машқлар комплексини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш жараёнини такомиллаштириш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда нофилологик йўналишларда инглиз тилини ўқитиш бўйича яратилган дарслик мажмуаларида юқорида қайд қилинган мавзулар инобатга олиб ўргатилиши чет тил бўйича В2 даража учун таълим мазмунида қайд этилган. Мазкур мавзулар орқали коммуникатив компетенция таркибида лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар ривожлантирилади.

Бугунги кунда техника йўналишида тахсил олаётган талабалар *тинглаб тушуниш* нутқ фаолияти бўйича қуйидаги малакаларни эгаллашлари талаб қилинган: маърузалар, тақдимотлар, мунозараларни, радио ва телерепортажлар, янгиликлар, интервьюлар, хужжатли фильмлар ва ҳоказоларни эълонларни, ўрганилаётган тил эгасининг тасмага ёзилган овозини (фильмлар, хужжатлар, нутқлар ва ҳоказо), ўрганилаётган тил эгалари ўртасидаги ижтимоий мулоқотни.

Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятини ривожлантириш жараёнида талабалар томонидан умумий мазмунни тушуниш учун тинглаш, тафсилотларни тушуниш учун тинглаш ва айрим маълумотларни олиш учун тинглаш амаллари бажарилади. Чет тил ўқитиш методикасида *гапириш* нутқ фаолияти тури 2 га ажратилади. *Диалогик, Монолог. Диалогик нутқ* бўйича қуйидаги малакалар эгалланади: маълум вазифа ёки мақсад бўйича мулоқотга киришиш, ижтимоий мулоқот ва норасмий суҳбатга киришиш, ўз мутахассислик соҳасига оид бўлган ва бўлмаган расмий ва норасмий муҳокамаларда қатнашиш, муҳокамага раислик қилиш ва олиб бориш, интервьюлар, келишувлар, телефон кўнғироқлари. *Монолог нутқ* бўйича маъруза қилиш, соҳага оид фикрларни ривожлантириш (масалан, соҳа мавзуси бўйича), фикр билдириш ва асослаш, эълонлар, маълум мавзу бўйича тақдимот қилиш, мақолани умумлаштириш ва хулоса қилиш ва бошқалар [6].

Ўқиш нутқий фаолият бўйича қуйидаги малакалар эгалланади: соҳага оид материални жамлаган аутентик матнлар, ихтисослик лексикаси ва атамаларни ўз ичига олган матнлар: масалан, матн парчалари, маърузалар ҳисоботлар ва дарсликлардан олинган парчалар, илмий ва мутахассислик адабиётлари (даврий, электрон адабиётлар). Талабалар турли матнларни ўқиш орқали чет тилдаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниши, янги маълумотларни олиши ва тафсилотларни тушуниши лозим.

Ёзув нутқий фаолият бўйича куйидаги малакалар эгалланади: ёзишмалар (хатлар ва номалар), махсус маълумотлар (хотиралар, қайдлар, тақризлар, резюмелар ва ҳоказо), эссе (баён ва иншолар), хулосалар, тадқиқот ишлари (мақолалар, битирув малакавий иши ва ҳоказолар) [7].

Давр талабидан келиб чиққан ҳолда, бугунги талаба ёшларга таълим бериш жараёнида ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Булар чет тил, хусусан инглиз тилини техник йўналишидаги талабаларга самарали ўқитиш имкониятини таъминлайди.

Амалдаги инглиз тилини ўқитиш талабидан келиб чиқиб, тўртта нутқ фаолияти турлари бўйича талаб қилинган малакаларни эгаллаш, тил компетенцияси – лексика, грамматика, фонетика, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни эгаллаш малакалари хусусида батафсил фикрлар баён қилинди.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Гаффаров Ф.Х. Махсус фанлар бўйича электрон таълим ресурслари базасини яратиш ва уларнинг масофадан фойдаланиш методикаси. П.ф.ф.д. Дисс. Автореф. Тошкент. 2018 йил.5 бет.
2. Герасимов А.М., Логинов И.П. Инновационный подход в построении обучения. - М.: Академия АПК и ПРО, 2001. - 63 с.
3. Грищенко Г. А. Методика использования деловых игр при обучении менеджеров иностранному языку: Автореф. Дис. канд. пед. наук. -М., 1995. -25 с.129
4. Д.М.Исроилова. Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (технология факультети мисолида). пед.фан. бўйича фал.д-ри (PhD).... Дисс. – Т., 2020. 46-бет. Б-146
5. Дмитриева Е. И. О перспективах и возможностях дистанционного обучения иностранным языкам с использованием компьютерных телекоммуникационных сетей. // Иностр. Языки в школе, 1997, №2. -11-14с.
6. Икромхонова Ф.И. Инглиз тилидан коммуникатив-когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти. Ном. дисс. – Тошкент, 2012. – 157 б
7. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: Истеъдод, 2008.- 180 с.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 8-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-8

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-8

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz